



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни мамлакатимизда амалий ташир билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири Анн Линде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислон Республикаси бош вазири Имрон Хоннинг видеоанжуман шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири ўринбосари Андрей Руденкони қабул қилди.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева бошчилигидаги делегация расмий ташир билан Россия Федерациясида бўлиб турибди.

2021 йилнинг 14 апрель куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси ўтказилди. Унда Ўзбекистон президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури ва МСКнинг президент сайловига оид қатор низомлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

«Россельхознадзор» (Россия Ветеринария ва фитосанитария бўйича федерал хизмати) 2021 йил 14 апрелдан бошлаб Россияга Ўзбекистоннинг 17та қорхонадан помидор олиб киришга ружат берди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

# Ishonch

2021 йил  
15 апрель  
пайшанба  
№ 50-51  
(4491)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Давра суҳбати

## Муҳокамалар марказида муносиб меҳнат мавзуси

Шу йилнинг 12 апрель куни «Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастурини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси натижалари муҳокамасига бағишланган видеоконференцалоқа шаклидаги давра суҳбати ўтказилди.



Санджар АБДУРАИМОВ олган суратлар

Мулоқотда Олий Мажлиси Сенати Раиси, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун ХМТ бюроси директори Ольга Кулаева, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директорининг ёрдамчиси Х.Коллер, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Д.Розенблум ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Х.Фрейзер иштирок этди.

Ўзбекистон 2013 йилдан буён болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ХМТ билан яқин ҳамкорликда қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Дастур доирасида мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро меҳнат нормаларини амалиётга татбиқ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатиде муносиб меҳнат соҳасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Мулоқот давомида «Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2014-2020 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури» доирасида амалга оширилган ишлар тақдими ўтказилди ҳамда истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, 2021 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти билан «Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури»ни қабул қилиш ва амалиётга жорий этишга келишиб олинди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,  
«ISHONCH»



## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!!!

### ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН

«Аёллар дафтари» тизими бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва мурожаатлари ҳал этилишига салмоқли хисса қўшаётган масъул ходимларни муносиб рағбатлантириш бўйича:

Республикамиз ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида «хонадонбай» ишлашда «ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА РАИСИ»;

Ҳудудлардаги сектор раҳбарлари ўртасида «маҳаллабай» ишлашда «ЭНГ ЯХШИ СЕКТОР РАҲБАРИ»;

Гендер сиёсати ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамада иқтисодий ҳаётида аёллар ролини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган қорхона раҳбарлари ўртасида «ЭНГ НАМУНАЛИ АЁЛ ИШ БЕРУВЧИ»;

«Аёллар дафтари» орқали кўмак олиб, иш ўрни яратган ва маҳалласидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаган тадбиркор аёллар ўртасида «ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ЛАУРЕАТИ»

мукофоти учун танловлари ўтказилмоқда.

**Мазкур танловларнинг асосий мақсади** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган «Аёллар дафтари» тизими йўналишидаги ишларни қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш, хусусан, хотин-қизлар муаммоларини «хонадонбай» ва «маҳаллабай» ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, гендер сиёсатини қўллаб-қувватлаш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлиги ва доимий даромад манбаига эга бўлишларини таъминлаш орқали уларни камбағалликдан чиқариш ишларига муносиб хисса қўшишдан иборатдир.

Бир неча босқичларда ўтказилган «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг намунали аёл иш берувчи» ва «Қасаба уюшмалари лауреати» танловларида иштирок этиш истигад бўлган номзодлар тегишли ҳужжат ва материалларни 2021 йилнинг 1 июнига қадар туман ва ҳудудий Ташкилий қўмиталарига тақдим этишлари лозим.

Танловларнинг Республика финал босқичи ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

**Ғолибларни тантанали тақдирлаш тадбири 2021 йил 11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари куниде ўтказилади.**

### ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ СИФАТИДА:

I ўрин учун «Ласетти» автомобили;



II ўрин учун «Кобальт» автомобили;

III ўрин учун «Спарк» автомобили топширилади.



Танловлар ва уларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан «Ishonch» газетасининг 2-3-саҳифаларида танишинг.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган**

**КИТОБДАН ҚЎЛИНИҒНИ ТОРТ, САВОДСИЗ!**

6

## Фидокорлик унутилмайди

Мудофаа вазирлиги бирлашган қасаба уюшма қўмитаси ҳамда Қуролли кучлар давлат музейи ҳамкорлигида «Аждодларни қадрлаш – муқаддас қадрият» шиори остида тадбир ўтказилди.



Унда бирлашган қасаба уюшма қўмитасининг 50 нафар аъзоси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг оила аъзолари қатнашди. Тадбирда иштирокчилар учун Қуролли кучлар музейига экскурсия уюштирилди. Тадбирнинг иккинчи қисмида иштирокчилар «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида бўлишди. У ерда ташкил этилган концерт дастури қатнашчиларга манзур бўлди.

Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилган ва хизмат қилиб келаётган фахрий ҳарбийларга қасаба уюшмасининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.


Ўз муҳбиримиз



Келгуси соғларда ўқинг...



«Какайди»нинг кўча бозори



«Оталар мажлиси»да тарбияланган оталар



Жавоб кутаётган саволлар

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг юридик клиникасида ташкил қилинган, тун-у кун фаолият юридадиган

1092 –

қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!



# «ЭНГ НАМУНАЛИ АЁЛ ИШ БЕРУВЧИ»

## Республика танлови НИЗОМИ

### I. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Энг намунали аёл иш берувчи» Республика танловини (кейинги ўринларда «танлов» деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

### II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**2.1. Танловнинг асосий мақсади:**  
- гендер сиёсати ҳамда мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида аёлларнинг ролини оширишга қаратилган ишларни корхона, ташкилот ва муассасаларда (кейинги ўринларда «корхона» деб аталади) намунали ташкил этиш;  
- фаолияти намунали йўлга қўйилган корхоналарни аниқлаш ҳамда уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш;

- ташаббускор аёл иш берувчи меҳнатини қўшимча рағбатлантириш;  
- «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлаш;  
- корхоналарда касабани уюшмаси ва иш берувчиларнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

### 2.2. Танловнинг асосий вазифалари:

- иш берувчининг ташаббускорлигини ошириш ва уларни руҳлантириш;
- иш берувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;
- ҳодимларга, жумладан, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга қонунийликда белгиланган имтиёз ва кафолатларга қўшимча равишда қўлайликлар яратишнинг таъминлаш;
- корхоналарда, бу орқали эса жамиятда гендер сиёсатини қўллаб-қувватлаш;
- «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга қўмаклашиш;
- иш берувчилар томонидан ҳодимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлаш;
- меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунийлик ижросини ҳамда жамоа шартномаларининг бажарилишини таъминлаш;
- ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий соҳалардаги манфаатларини рўёбга чиқариш;
- ҳодимлар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларида меҳнат қонунларига риоя этилишини таъминлаш;
- меҳнат муносабатларини тартибга солишга жамоа келишувлари ва шартномалари самарадорлигини ошириш;
- бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ҳодимларга муносиб иш ҳақи тўлашини таъминлаш.

### III. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Танловда Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган барча юридик шахслардаги аёл иш берувчилар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этаётган аёл иш берувчилар орасидан ғолибларни аниқлашда улар раҳбарлик қилаётган корхоналарда амалга таъбиқ этилган қўйидаги йўналишлардаги ишлар асосий омил ҳисобланади:

- корхонада гендер тенглигини таъминлаш;
- «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш;
- ҳодимлар учун яратиб берилган меҳнат ва маънавий шарт-шароитлар;
- ҳодимларга, жумладан, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга қонунийликда белгиланган имтиёз ва кафолатларга қўшимча равишда қўлайликлар яратишнинг таъминлаш;
- корхонада аёллар учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва жамоа шартномасида ҳодимлар учун қўзда тутилган кафолатларга риоя этилиши ҳамда имтиёзлар, меҳнат ҳуқуқларига оид бандларнинг бажарилишини таъминлаш;
- корхонада меҳнат муносабатларининг тартибга солинишида касабани уюшмасининг иштироки (жамоа шартномалари мавжудлиги, касабани уюшмаси билан келишувлар ҳужжатлар нусхалари, ҳайъат, бошқарув кенгаши ва бошқа турли комиссиялар таркибига касабани уюшма фаолияти киритилганлиги ва ҳоказо);
- корхонада бошланғич ташкилот фаолияти (учун яратилган шарт-шароитлар (бошланғич ташкилот учун алоҳида хона мавжудлиги, жиҳозланиши, касабани уюшма бурчаги мавжудлиги ва бошқалар).

### IV. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

4.1. Танловга умумий раҳбарлик Республика ташкилий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

4.2. Танловнинг мақсади ва уни ўтказиш шартлари, муддатлари, ғолибларни рағбатлантириш ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

4.3. Танловда иштирок этувчи аёл иш берувчилар фаолиятини баҳолаш тўғрисида (ташқир) ҳудудий ва Республика

Ҳакамлар ҳайъати томонидан Низомнинг 1-иловадаги «Энг намунали аёл иш берувчи» Республика танловининг баҳолаш мезони»га (кейинги ўринларда «баҳолаш мезони» деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

4.4. Баҳолаш якуни бўйича иш берувчилар рўйхати, тўплаган балларига қараб, қамайиб борувчи тартибда Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакллантирилади ва энг юқори балл тўплаган ғолиб деб топилади.

4.5. Иш берувчилар фаолиятини баҳолаш жараёнида, танлов бошланганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб ҳисоблаганда, сўнги икки йил мобайнида амалга оширилган ишлар инobatга олинади.

4.6. Танловда иштирок этишни истган талабгорлар туман (шаҳар) Ташкилий қўмитага жорий йилнинг 1 июнь санасигача қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- танловда иштирок этиш учун туман (шаҳар) Ташкилий қўмитага иштирокчи томонидан имзоланган ариза;
- иштирокчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорти) нусхаси;
- иштирокчининг 1 дона 10x15 ўлчамдаги ва 2 дона 3,5x4,5 ўлчамдаги фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);
- корхонанинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- солиқ тўловлари ва иш ҳақини ўз вақтида тўлаганлик тўғрисида тасдиқланган маълумотнома;
- иштирокчи корхонаси фаолияти тўғрисида қисқача ёзма статистик маълумотнома;
- баҳолаш мезонидagi кўрсаткичларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

4.7. Танлов уч босқичда ўтказилади:

### 1-босқич: туман (шаҳар) босқичи.

Бунда, туман ва шаҳарларда рўйхатдан ўтган корхоналарнинг аёл иш берувчилари тегишли Ташкилий қўмитага мазкур Низомнинг 4.6-бандида кайда этилган ҳужжатларни, фото (видео) альбом билан биргаликда белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этилади.

Туман (шаҳар) Ҳакамлар ҳайъати тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқади, баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳолайди ҳамда энг юқори балл олган бир нафар аёл иш берувчининг ҳужжатларини, туман (шаҳар) Ҳакамлар ҳайъати хулосаси кўрсатилган баённома билан бирга, кейинги босқичда иштирок этиш учун ҳудудий Ташкилий қўмитага тақдим этилади.

Танловнинг 1-босқичи **жорий йилнинг июнь** ойида ўтказилади.

### 2-босқич: ҳудудий босқич.

Туман (шаҳар) босқичида ғолиб бўлган аёл иш берувчиларнинг тегишли ҳужжатлари тўғри ва ҳолис тўлдирилганлиги ҳудудий Ҳакамлар ҳайъати томонидан жойларга чиққан ҳолда ўрганилади ҳамда баҳолаш мезонига мувофиқ баҳоланади.

Энг юқори балл олган бир нафар иш берувчининг ҳужжатлари, ҳудудий Ҳакамлар ҳайъати хулосаси кўрсатилган баённома билан бирга, Республика Ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

Танловнинг 2 босқичи **жорий йилнинг июль** ойида ўтказилади.

### 3-босқич: Республика босқичи.

2-босқичда ғолиб бўлган 14 нафар аёл иш берувчиларнинг тегишли ҳужжатлари Республика Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Республика Ҳакамлар ҳайъати тегишли ҳужжатларни адолатлилик, ҳолислик ва долзарблилик тамойиллари асосида баҳолаш мезонига мувофиқ баҳолайди.

Танловнинг 3-босқичи **жорий йилнинг август** ойида ўтказилади.

4.8. Ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини кўриб чиқиб, таҳлил қилиш, фаолиятини баҳолаш мақсадида экспертларни жалб қилиши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган ҳолатда устунлик аёллар учун яратилган иш ўринларига қаратилади.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаш жараёнида турли фикрларда бўлса, ғолибларни аниқлаш очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Бунда энг кўп овоз олган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, Ҳакамлар ҳайъати раисининг қарори асосий қарор ҳисобланади.

Ҳар бир босқичда баҳолаш якунлари бўйича тегишли Ҳакамлар ҳайъати хулосаси баённома кўринишида расмийлаштирилади, Ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

4.9. Танловни ўтказиш, мувофиқлаштириб бориш, ғолибларни тақдирлаш маросимларини ташкил этиш Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

4.10. Худудлардаги, жумладан, туман (шаҳар) ва ҳудудий Ташкилий қўмиталар:

мос равишда танловнинг 1- ва 2-босқичларини ўтказиш, мувофиқлаштириб бориш; иштирокчиларга мазкур Низом талаблари ҳамда ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш бўйича тушунтиришлар бериш; ғолибларни тақдирлаш маросимларини ўтказиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал қилади.

### V. ТАНЛОВНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ ВА ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

5.1. Танлов ғолибларини тақдирлаш Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов харажатлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги 189-Ф-сонли фармойиши»га асосан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясига ўтказилган маблағлардан ҳудудларда хотин-қизлар учун янги иш ўринларини ташкил этишга берилган маблағларнинг қайтарилган қисми ҳисобидан қопланади.

5.3. Танловнинг ҳудудий босқичини ўтказиш билан боғлиқ бўлган маблағлар Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан 5.2-бандда кайда этилган манба ҳисобидан ҳудудий касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларида мавжуд бўлган маблағлар ҳисобидан қопланади.

5.4. Танловнинг Республика – финал босқичи ғолиблари 2021 йилнинг август ойида – Ўзбекистон Республикаси Мустиққиллигининг ўттиз йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

5.5. Танловнинг 2-босқичи (ҳудудий босқич)да 2- ва 3-ўринни олган иштирокчилар мос равишда 5 000 000 (беш миллион) ва 3 000 000 (уч миллион) сўмдан пул мукофоти билан тақдирланади.

5.6. Танловнинг Республика – финал босқичида ғолиб бўлган 1-, 2- ва 3-ўрин соҳиблари қўйидаги махсус мукофотлар «Президент совғаси» сифатида тантанали равишда тақдим этилади:

- 1-ўрин соҳибига – диплом ва «Ласетти» автомобили;
- 2-ўрин соҳибига – диплом ва «Кобальт» автомобили;
- 3-ўрин соҳибига – диплом ва «Спарк» автомобили;

Шунингдек, танловнинг қолган 11 нафар иштирокчилари 30 000 000 (ўттиз миллион) сўм пул маблағлари билан рағбатлантирилади.

5.7. Барча соврин ва мукофотлар ғолибларнинг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланиш мақсадида тақдим этилади.

### VI. ЯКУНИЙ ҚОЙДАЛАР

6.1. Иштирокчи фаолияти ушбу Низомда белгиланган қоидаларга зид равишда баҳоланганлиги ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланса, юқори босқич Ҳакамлар ҳайъати қуйи босқич Ҳакамлар ҳайъати қарорларини бекор қилиш ва шу асосда ушбу иштирокчининг танловдан четлатиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.2. Танловнинг тегишли босқичлари якунлари бўйича Ҳакамлар ҳайъати хулосалари, қарорлари устидан тушган шикоятлар кейинги босқич Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилади.

6.3. Республика Ҳакамлар ҳайъатининг хулосаси қайта кўриб чиқилмайди.

6.4. Ҳакамлар ҳайъати таркибига, уларнинг розилиги билан, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан тақдир этилган турли ташкилот ва жамоатчилик вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

6.5. Танловни ўтказиш муддатлари амалдаги ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

6.6. Танловнинг 1- ва 2-босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими тақдирларини ўтказиш куни Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

6.7. Республика – финал босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимини ўтказиш тақдирларининг аниқ куни, вақти ва жойи Республика Ташкилий қўмитаси томонидан белгиланади.

6.8. Танловни ушбу Низом талаблари ҳамда қонунийлик, ошкоралик адолатлилик, тенглик ва шаффофлик каби принципларга риоя қилган ҳолда ўтказишга Республика, ҳудудий, туман (шаҳар) Ҳакамлар ҳайъати раислари ҳамда аъзолари шахсан масъул ҳисобланади.

6.9. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

# «КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЛАУРЕАТИ»

## мукофоти Республика танлови НИЗОМИ

### I. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Касабани уюшмалари лауреати» Республика танловини (кейинги ўринларда «танлов» деб аталади) ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

1.2. Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси танловнинг ташкилотчиси ҳисобланади.

1.3. Мазкур танловга умумий раҳбарлик Республика Ташкилий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

### II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**2.1. Танловнинг асосий мақсади:**  
- «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар тақдирларини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаига эга бўлиш орқали камбағалликдан чиқариш;

- уларнинг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш;

- «Аёллар дафтари»га киритилган ҳамда берилган амалий ёрдам орқали тақдиркорликни йўлга қўйган, янги иш ўринларини яратган ва бу борада бошқаларга намуна бўла олган хотин-қизларни рағбатлантириш ва фаолиятини тарғиб қилиш, тажрибасини оммалаштириш;

- гендер сиёсати ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ролини ошириш.

### 2.2. Танловнинг асосий вазифалари:

- аҳолини камбағалликдан чиқариш учун «Аёллар дафтари», жумладан, кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни рағбатлантириш;

- хотин-қизларнинг реал пул даромадларини кўпайтириш ва харид қобилиятини кўтариш, бунинг учун иш ҳақини оширишни рағбатлантириш;

- худудларда кичик бизнес ва хусусий тақдиркорликнинг жадал ривожланиши рағбатлантирувчи бизнес муҳитини яратиш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш;

- тақдиркорларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- тақдиркорлар ўртасида ҳужалик алоқаларини кенгайтиришга ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар)ни реклама қилишга қўмаклашиш;

- тақдиркорликни йўлга қўйиш орқали оилаларни камбағалликдан чиқаришни рағбатлантириш;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва ногиронлиги бор фуқароларни, хусусан, «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратиш.

### II. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Танловда:  
- «Аёллар дафтари»га киритилган ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам натижасида фаолият тури ва тақдиркорлик шакли (оилавий тақдиркорлик, маъмулият чекланган жамият ва ҳ.к.)дан қатъи назар қонуний тақдиркорликни йўлга қўйган;

- корхонаси жорий йилнинг 1 июнь санасигача давлат рўйхатидан ўтган;

- тақдиркорлик фаолиятини тўлақонли йўлга қўйган (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги фаолиятини бошлаган);

- ўзидан ташқари, камида 1 нафар «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизларни иш билан таъминлаган хотин-қизлар иштирок этиши мумкин.

2.2. Танловнинг мақсади ва уни ўтказиш шартлари, муддатлари, ғолибларни рағбатлантириш ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

2.3. Танловда иштирок этувчилар фаолиятини баҳолаш туман (шаҳар), ҳудудий ва Республика Ҳакамлар ҳайъати томонидан 1-иловадаги «Касабани уюшмалари лауреати» мукофоти Республика танловининг баҳолаш мезони»га (кейинги ўринларда «баҳолаш мезони» деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

2.4. Баҳолаш якуни бўйича иштирокчилар рўйхати, тўплаган балларига қараб, қамайиб борувчи тартибда 2-иловага мувофиқ шакллантирилади ва энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб деб топилади.

2.5. Танловда иштирок этишни истганлар туман (шаҳар) Ташкилий қўмитасига **жорий йилнинг 1 июнь санасигача** қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- танловда иштирок этиш учун туман (шаҳар) Ташкилий қўмитаси номига иштирокчи томонидан имзоланган ариза;

- иштирокчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорти) нусхаси;

- иштирокчининг 1 дона 10x15 ўлчамдаги ва 2 дона 3,5x4,5 ўлчамдаги фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);

- корхонанинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

- солиқ тўловлари ва иш ҳақини ўз вақтида тўлаганлик тўғрисида тасдиқланган маълумотнома;

- иштирокчининг олдинги ижтимоий аҳволи ҳамда унга берилган амалий ёрдам ҳақида қисқача маълумот;

- тақдиркорлик фаолияти, эришилган натижалари тўғрисида қисқача ёзма статистик маълумотнома, жумладан, ишлаб чиқараётган (етиштирилаётган) маҳсулотлар рўйхати, кўрсатилган хизмат тури ва ҳоказолар;

- фаолиятини акс эттирувчи видео ва фотоматериаллар;

- баҳолаш мезонидagi кўрсаткичларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

- ҳомийлик ишларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- корхона раҳбари ва туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш Маркази ва туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан тасдиқланган ишчилар тўғрисидаги статистик маълумотнома (унда «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизлар, қоллеж битирувчилари, аёллар, ёшлар, аҳолининг кам таъминланган қатлами ёки ногиронлиги бўлган ишчилар алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим).

2.6. Танлов уч босқичда ўтказилади:

### 1-босқич: туман (шаҳар) босқичи.

Бунда, хотин-қизлар «Аёллар дафтари»га киритилган тегишли туман (шаҳар) Ҳакамлар ҳайъатига мазкур Низомнинг 3.5-бандида кўрсатилган ҳужжатларни, фото (видео) альбом билан биргаликда белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этилади.

Туман (шаҳар) Ҳакамлар ҳайъати тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқади, баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳолайди ҳамда энг юқори балл олган битта иштирокчининг ҳужжатларини, туман (шаҳар) Ҳакамлар ҳайъати хулосаси кўрсатилган баённома билан бирга, кейинги босқичда иштирок этиш учун ҳудудий Ташкилий қўмитага тақдим этилади.

Танловнинг 1-босқичи **жорий йилнинг июнь** ойида ўтказилади.

### 2-босқич: ҳудудий босқич.

Туман (шаҳар) босқичида ғолиб бўлган иштирокчининг тегишли ҳужжатлари тўғри ва ҳолис тўлдирилганлиги ҳудудий Ҳакамлар ҳайъати томонидан жойларга чиққан ҳолда ўрганилади ҳамда баҳолаш мезонига мувофиқ баҳоланади.

Энг юқори балл олган битта иштирокчининг ҳужжатлари, ҳудудий Ҳакамлар ҳайъати хулосаси кўрсатилган баённома билан бирга, Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

Танловнинг 2 босқичи **жорий йилнинг июль** ойида ўтказилади.

### 3-босқич: Республика – финал босқичи.

2-босқичда ғолиб бўлган 14 нафар иштирокчининг тегишли ҳужжатлари Республика Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Республика Ҳакамлар ҳайъати тегишли ҳужжатларни адолатлилик, ҳолислик ва долзарблик тамойиллари асосида баҳолаш мезонига мувофиқ баҳолайди.

Танловнинг 3-босқичи **жорий йилнинг август** ойида ўтказилади.

3.7. Ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини кўриб чиқиб, таҳлил қилиш, фаолиятини баҳолаш мақсадида экспертларни жал



# «ЭНГ ЯХШИ СЕКТОР РАҲБАРИ»

## Республика танлови НИЗОМИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Энг яхши сектор раҳбари» Республика танловини (кейинги ўринларда «танлов» деб аталади) ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

1.2. Танловнинг ташкилотчиси Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси ҳисобланади.

1.3. Мазкур танловга умумий раҳбарлик Республика Ташкилий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

### II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

#### 2.1. Танловнинг асосий мақсади:

– сектор раҳбарининг ҳудудда аҳоли муаммоларини «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга кўмаклашиш;

– хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш орқали «Аёллар дафтари» тизими самарадорлигини янада ошириш;

– оилаларни мустаҳкамлаш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ишларини янада жонлантириш;

– бу борада салмоқли натижаларга эришаётган сектор раҳбарлари тажрибасини оммалаштириш;

– «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлашда аёлларнинг муаммо ва муносабатларини ҳал этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатган масъулларни муносиб рағбатлантиришдан иборат.

#### 2.2. Танловнинг асосий вазифалари:

– сектор ҳудудини жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, аҳоли осойишталигини, оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашда сектор штаби ролини кучайтириш;

– аҳоли муаммоларини «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш;

– хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш ишларини тизимли равишда ташкил қилиш, «Аёллар дафтари» тизими самарадорлигини ошириш;

– аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, жумладан, хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорлик, хунармандчиликка кенг жалб этиш ишларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд ҳамда камбағал оилаларни моддий ва ижтимоий кўллаб-қувватлаш ишларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тизимлаштириш ва ижобий натижаларга эришиш;

– аҳолининг кундалик муаммолари билан доимий ишлаш;

– оилалар ва сектор ҳудудидаги ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш, хотин-қизлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси, вояга етмагандар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларга доир ишлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

– ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган ёшлар ва хотин-қизлар билан иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ҳамда мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни таъминлаш;

– ёшларни маънан бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, ёш авлодни мафкуравий тахдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакиллари ижтимоий кўллаб-қувватлаш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

– яхши кўшничлик муносабатлари, бой маданий, тарихий мерос ва аънаваный оилавий қадриятлар асосида оила институтини мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлигини ошириш масалаларини доимий ўрганиш ва назоратга олиш;

– нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўл-

ган ёт хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри ишлашни ташкил этиш;

– ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, оилаларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ишларнинг натижадорлигини оширишдан иборат.

### III. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

3.1. Танлов илғор натижаларга эришган, сектор ҳудуди обод ва тинч бўлган, аҳоли муаммоларини «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш, «Аёллар дафтари» тизими самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва ногиронлиги бор фуқароларни иш билан таъминлаш ҳамда бевосита шундай оилаларга моддий ва бегараз ёрдамлар кўрсатилишини ташкил қилиш, тадбиркорликка кўмаклашиш, ер ва бўш бинолардан самарали фойдаланиш ишларида фаол бўлган туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ўртасида ўтказилади.

3.2. Танлов икки bosқичда ташкил этилади.

#### I bosқич: Ҳудудий bosқич.

2021 йил июль ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида барча туман ва шаҳарлардаги секторлар раҳбарлари орасида ўтказилади. 1-ўрин эгаллаган иштирокчи **II bosқичда** иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

#### II bosқич: Республика – финал bosқичи.

2021 йил август ойининг биринчи ўн кунлигида Республика миқёсида ўтказилади ва унда ҳудудий bosқичда ғолибликни кўлга киритган сектор раҳбарлари иштирок этади.

### IV. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Танловда иштирок этишни истатаган талабгорлар ҳудудий Ташкилий қўмитага жорий йилнинг **1 июнь** санасигача қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

– ҳар бир иштирокчи тўғрисида маълумот (маълумотнома (объективка), шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси);

– танлов иштирокчисининг 4 дона (3,5x4,5) фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);

– сектор фаолияти тўғрисида қисқача ёзма ва асосий кўрсаткичлар бўйича таҳлилий-статистик маълумотнома;

– иштирокчилар учун тавсифномалар (тегишли ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) сектор раҳбарлари томонидан имзоланган);

– фаолияти тўғрисида фотоальбом ва видеоролик;

– баҳолаш мезонидаги кўрсаткич-ни тасдиқловчи ҳужжатлар.

### V. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Танлов иштирокчилари Ҳакамлар ҳайъати томонидан Низомнинг 1-илова – «Баҳолаш мезони»га асосан баҳолаб борилади. Баҳолашда жамоатчилик ва аҳоли фикри ўрганилади.

5.2. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов шартлари бўйича иштирокчиларни баҳолашда ижтимоий адолат, тенглик, иштирокчилар ўртасидаги соғлом рақобат принципларига амал қилишга мажбурдирлар.

Улар танловга оид қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

5.3. Баҳолаш якуни бўйича иштирокчилар рўйхати, тўплаган баллари-га қараб, камайиб бориш тартибига Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакллантирилади ва энг юқори балл тўплаган ғолиб деб топилади.

5.4. Икки ёки ундан ортқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган ҳолатда асосий эътибор ҳисобот даврида ҳудудда қайд этилган салбий ҳолатлар ҳамда уларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларнинг самарадорлигига қаратилади.

5.5. Ҳудудий bosқичда энг юқори балл олган битта иштирокчининг ҳужжатлари, тегишли Ҳакамлар ҳайъати хулосаси кўрсатилган баённома билан бирга Республика Ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

5.6. Республика bosқичи ғолиблари Республика Ҳакамлар ҳайъати хулосаси кўрсатилган баённомага асосан тақдим этилади.

### VI. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Танлов иштирокчиси:

– мазкур Низом талабларига ҳамда жамиятда шакланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши;

– танлов ташкилотчиларининг танловнинг тартибли ўтказиш билан боғлиқ талабларига амал қилиши;

– Ҳакамлар ҳайъатининг ишти-

рокчиларни баҳолаш юзасидан чиқарган қарорларига нисбатан ҳурмат билан ёндашиши шарт.

### VII. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТАРТИБИ ВА ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

7.1. Танлов ғолибларини тақдирлаш Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

7.2. Танлов харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги 189-Ф-сонли фармойишига асосан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси-га ўтказилган маблағлардан ҳудудларда хотин-қизлар учун янги иш ўринларини ташкил этишга берилган маблағларнинг қайтарилган қисми ҳисобидан қопланади.

7.3. Танловнинг ҳудудий bosқичини ўтказиш билан боғлиқ бўлган маблағлар Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси томонидан 6.2-бандда қайд этилган манба ҳисобидан ҳудудий касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларига ўтказиб берилади ёки ушбу манба ҳисобидан ҳудудий касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларида мавжуд бўлган маблағлар ҳисобидан қопланади.

7.4. Танловнинг Республика финал bosқичи ғолиблари 2021 йилнинг август ойида – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

7.5. Танловнинг ҳудудий bosқичида 2- ва 3-ўринли олган иштирокчилар мос равишда 10 000 000 (ўн миллион) сўм ва 5 000 000 (беш миллион) сўмдан пул мукофоти билан тақдирланади.

7.6. Танловнинг Республика финал bosқичида ғолиб бўлган 1-, 2- ва 3-ўрин соҳибларига қуйидаги махсус мукофотлар «Президент совғаси» сифатида тантанали равишда тақдим этилади:

– 1-ўрин соҳибига диплом ва «Ласетти» автомобили;

– 2-ўрин соҳибига диплом ва «Кобальт» автомобили;

– 3-ўрин соҳибига диплом ва «Спарк» автомобили;

Шунингдек, танловнинг қолган 11 нафар иштирокчиси 10 000 000 (ўттиз миллион) сўмдан рағбатлантирилади.

7.7. Барча соврин ва мукофотлар ғолибларига шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланиши мақсадида тақдим этилади.

8.1. Иштирокчи фаолияти ушбу Низомда белгиланган қоидаларга зид равишда баҳоланганини ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилганини аниқланса, Республика Ҳакамлар ҳайъати ҳудудий Ҳакамлар ҳайъати қарорларини бекор қилиш ва шу асосда ушбу иштирокчини танловдан четлатиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

8.2. Танловнинг ҳудудий bosқичи якунлари бўйича Ҳакамлар ҳайъати хулосалари, қарорлари устидан тушган шикоятлар Республика Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

8.3. Республика Ҳакамлар ҳайъатининг хулосаси қайта кўриб чиқилмайди.

8.4. Ҳакамлар ҳайъати таркибига, уларнинг розилиги билан Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси томонидан тақлиф этилган турли ташкилот ва жамоатчилик вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

8.5. Танловни ўтказиш муддатлари амалдаги ҳолатдан келиб чиқиб Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси томонидан ўзгартрилиши мумкин.

8.6. Танловнинг ҳудудий bosқичи ғолибларини тақдирлаш маросими тадбирларини ўтказиш кун, вақти ва жойи тегишли Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

8.7. Танловнинг ҳудудий bosқичи ғолибларини тақдирлаш маросими тадбирларини ўтказиш кун, вақти ва жойи Республика Ташкилий қўмитаси томонидан белгиланади.

8.8. Ушбу Низом билан тартибга солинмаган масалалар Республика Ташкилий қўмитаси томонидан ҳал этилади.

8.9. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

# Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида ўтказиладиган

## «ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА РАИСИ»

### Республика танлови НИЗОМИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Энг яхши маҳалла раиси» Республика танловини (кейинги ўринларда «танлов» деб аталади) ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

1.2. Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси танловнинг ташкилотчиси ҳисобланади.

1.3. Мазкур танловга умумий раҳбарлик Республика Ташкилий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

### II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Танловнинг асосий мақсади:

– хотин-қизлар муаммоларини «хонадонбай» ва «фуқаробай» ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш;

– «Аёллар дафтари» тизими самарадорлигини янада ошириш, бу борада жамоатчилик ролини ошириш;

– хотин-қизларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш;

– бу борада салмоқли натижаларга эришаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари тажрибасини оммалаштириш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли муассаса ва ташкилотлар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

– «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш, аёлларнинг муаммоларини ҳал этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатган масъулларни муносиб рағбатлантиришдан иборат.

#### 2.2. Танловнинг асосий вазифалари:

– маҳаллаларни жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, аҳоли осойишталигини, оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашда фуқаролар йиғинларининг ролини кучайтириш;

– хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш ишларини тизимли ташкил қилиш;

– аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, жумладан, хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш ишларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд ҳамда камбағал оилаларни моддий ва ижтимоий кўллаб-қувватлашни таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тизимлаштириш ва ижобий натижаларга эришиш;

– аҳолининг кундалик муаммолари билан ишлаш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

– оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш, хотин-қизлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси, вояга етмагандар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларга доир ишлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

– ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган ёшлар ва хотин-қизлар билан иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ҳамда мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

– яхши кўшничлик муносабатлари, бой маданий, тарихий мерос ва аънаваный оилавий қадриятлар асосида оила институтини мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлигини ошириш масалаларини доимий ўрганиш ва назоратга олиш;

– нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган ёт хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри ишлашни ташкил этиш;

– ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, оилаларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ишларнинг натижадорлигини оширишдан иборат.

### III. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

3.1. Танлов аҳоли муаммоларини «хонадонбай» ва «фуқаробай» ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш, «Аёллар дафтари» тизими самарадорлигини ошириш, маҳалласида обод ва тинч бўлган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва ногиронлиги бор фуқароларни, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда бевосита шундай оилаларга моддий ва бегараз ёрдамлар кўрсатилишини ташкил қилишда фаол бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ўртасида ўтказилади.

3.2. Танлов уч bosқичда ташкил этилади.

#### I bosқич: туман (шаҳар) bosқичи.

2021 йил июнь ойида туман (шаҳар) миқёсида ўтказилади ва 1-, 2- ҳамда 3-ўрин эгалари аниқланади. 1-ўринни эгаллаган иштирокчи танловнинг **II bosқичида** қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритади.

#### II bosқич: Ҳудудий bosқич.

2021 йил июль ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилади ва 1-, 2- ҳамда 3-ўрин эгалари аниқланади. 1-ўринни эгаллаган иштирокчи **III bosқичида** иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

#### III bosқич: Республика финал bosқичи.

2021 йил август ойида Республика миқёсида ўтказилади ва унда 1-, 2- ҳамда 3-ўрин соҳиблари аниқланади.

### IV. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Танловда иштирок этишни истатаган талабгорлар туман (шаҳар) Ташкилий қўмитасига жорий йилнинг **1 июнь** санасигача қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

– ҳар бир иштирокчи тўғрисида маълумот (маълумотнома (объективка), шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси);

– танлов иштирокчисининг 4 дона (3,5x4,5) фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);

– маҳалла фаолияти тўғрисида қисқача ёзма ва асосий кўрсаткичлар бўйича таҳлилий-статистик маълумотнома;

– иштирокчилар учун тавсифномалар (тегишли сектор раҳбари томонидан имзоланган);

– фаолияти тўғрисида фотоальбом ва видеоролик;

– баҳолаш мезонидаги кўрсаткич-ни тасдиқловчи ҳужжатлар.

### V. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Танлов иштирокчилари Ҳакамлар ҳайъати томонидан Низомнинг 1-илова – «Баҳолаш мезони»га асосан баҳолаб борилади. Баҳолашда жамоатчилик ва аҳоли фикри ўрганилади.

5.2. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов шартлари бўйича иштирокчиларни баҳолашда ижтимоий адолат, тенглик, иштирокчилар ўртасидаги соғлом рақобат принциплар



Акс садо

## Виждондан айро қилмасин

Яқинда «Ishonch» газетасида чоп этилган Зебо Намозованинг «Иллатнинг илк илдизлари ёхуд мактабгача таълимда коррупцияни йўқотиш чораси борми?» мақоласини ўқиб, анча йиллардан бери кузатишларим асосида туғилган фикрларим билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Бироз аввал давлат мактабгача таълим ташкилотиди «ажиб воқеа»га гувоҳ бўлдим. Боғча ҳамшираси келтирилган олма қоқини олишдан бош тортипти. Лекин таъминотчи йигит ҳам анойилардан эмас экан. Кимларгадир кўнгирак қилиб, ўтмаган қоқини ўтказди. Телефонда бу қоқилар туман мактабгача таълим мудирига тегишли экани айтилган, ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмади.

Афсуски, юқоридаги каби воқеалар одатий ҳолга айланиб қолди. Норасида гўдакларнинг ризқини қийишдан тап тортмаймиз. Ушбу ўринда табиий савол туғилади: туман мактабгача таълим бўлими керакми? Ҳар бир туманда 2-3 нафар ходим тизимнинг мукамал ишлашини назорат қилиб турса ки-

фоя эмасми?

Бугун туман ёки шаҳар мактабгача таълим бўлими раҳбари, таъминотчи ва мактабгача таълим ташкилоти директори ўртасида пинҳона келишувлардан давлат қанчадан-қанча зарар кўрапти. Ачинарлиси, ёш гўдакларнинг нони яримта қилинапти. Ушбу ўринда мақолада келтирилган «савдо ва харид тизимида шаффофликни йўлга қўйиш» деган иборатга қўшиламан.

Афсуски, ушбу соҳанинг ҳар бири мутасаддисининг фаолиятини назорат қилиб тургани уларнинг ҳар бирининг устидан прокурор қўйишининг иложи йўқ. Шу боис, соҳа ходимларини виждон ва имонидан айро қилмасин.

Анваржон ҲАЛИМОВ

Тошкент шаҳри

Саховат

## Инсонпарварлик тамойили – амалда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши муқаддас Рамазон ойида эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кенгашнинг маъсул ходимлари пойтахтимиздаги «Эркалар мурувват уйи»да бўлиб, фидойи ишчи-хизматчиларнинг савобли ишларида муваффақиятлар тилашди. Санитария-гигиена қондаларига риюя этилиши бўйича кенг қўллаш тушу-

тириш ишлари олиб боришиб, бу ерда истиқомат қилувчилар учун санитария-гигиена тўпламини ҳада қилишди.

Ирода ҲИКАМТОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудирини

Жиззах вилояти

Ички туризм

## Саёҳатдан завқ олдим

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пахтакор тумани кенгаши 50 нафар аъзонинг Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятлари бўйлаб саёҳатини уюштирди.



Саёҳатнинг биринчи кунини Ургут туманидаги Омонқўтон (Минг арча) экологик ҳудудига бўлиб, ҳудуддаги хушманзара жойлар билан танишилди. Иккинчи кунини Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой, Кўкғумбаз каби тарихий мажмуаларда бўлишди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саидон мақбараларини зиёрат қилишди.

бор келишим, – дейди 31-иктисослашган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Хонимой Қаршибоева. – Бу ерларни олдинлари телевизорда кўраб эдим. Энди ўз кўзим билан кўриб турибман.

Бу каби саёҳатлар келгусида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам ташкил этилади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

Хоразм вилояти

Таълим

## Билимнинг баҳоси «беш»

Фан олимпиадасининг вилоят босқичида Урганч шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг 176 нафар ўқувчиси иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши ғалаба шохсупасидан муносиб жой эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг устозлари учун муносиб совға тайёрлаб, уларни туман ҳокимлигининг биносида ўз эгаларига топширишди.

О.Саидов бугунги кунда таълим соҳасига алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлаб, ўқитувчи ва ўқувчиларни бундан унумли фойдаланган ҳолда ўз олдига қўйган юксак мақсади сари дадил одимлашга ундадилар.

Сафаргул БЕРДИЕВА, Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари Н.Матякубов, шаҳар халқ таълими бўлими мудирини

Самарқанд вилояти

«Аёллар дафтари» юритилиб, хотин-қизларнинг нафақат ижтимоий, балки ҳаётий муаммоларига ҳам ечим топилаётди. Бунинг ишчи гуруҳининг Самарқанд вилоятида амалга ошираётган ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Оқдарё туманида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга шароит ҳам, имконият ҳам бисёр. Йирик корхоналар, тўқимачилик кластерлари ҳудуд ичи ва ёндош атрофда жойлашган. Бу ерда касаначилик, уй шароитида буюртма бажариш имкониятлари кўп. Туманда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг аксар қисми ҳам айнан тикувчилик йўналишида фаолият юритиш истагини билдиришган.

Неча йилдирки «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нигора Холиқова кам таъминланган оилалар сафида бўлиб келмоқда. Турмуш ўртоғи хорижга иш излаб кетган. Бу орада тўрт нафар «ейман-ичаман», деган болалар билан қолган аёл соғлиғини йўқотди. Тўғри, ижтимоий нафақа, ёрдам пуллари, дегандек кўмак бор. Аммо улар билан рўзгор барибир бутун бўлмайдими...

«Аёллар дафтари»га Нигора Холиқованинг шундай битиги киритилди: «Иш бўлса, рўзгоримизга тўрт-беш сўм даромад кирарди».

Ишчи гуруҳ томонидан хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш йўналишида бундай фикрларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ечимини бўйича касаба уюшмалари ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида қўшма тадбир ўтказилмоқда.

«Аёллар дафтари» ва Ёшлар дафтари»га киритилган бир гуруҳ хотин-қизлар ва ёш оилаларга 22 та тикув машинаси, 10 та мотокультиватор, 10 та пайвандлаш ускунаси, 2 та автомашина ювиш ускунаси топширилди, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Акбар Абдусайдов. – Шунингдек, 24 нафар аёлга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ажратган замонавий тикув дастгоҳини ҳам етказиб бердик.

Яқинда Лойиш кўрғонидидаги истироҳат боғида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбарияти иштирок этди. Бу ташкилот оқдарёликларга қўшимча 1 миллиард қўшимча кредит ажратишга ваъда берди. Шу куни янги дастгоҳ эгаларига кейинги фаолияти йўналишлари ҳам тушутирилди. Кимдир яқна тартибда, яна бири касаначилик асосида фаолият йўналишларини эркин танлаб олди.

– Ишсизлик бир қатор оилаларни тентиратиб қўйгани бор гап, – дейди «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи Шаҳло Муртазоева. – Турмуш ўртоғим иш топаман, деб чиқиб кетганича қайтиб келмади. 2 нафар фарзандим билан қолганман. Бахтга қарши, фарзан-



Тошкент вилояти

Оҳангаронлик Сайёра Ҳозиева иккинчи гуруҳ ногирони. Уч нафар вояга етмаган фарзанди бор. Турмуш ўртоғи мавсумий ишлар билан банд. Оиланинг топган-тутгани рўзгордан ортмайди. Ҳатто гоҳида болаларига тузукроқ ўст-бош олиб беришга ҳам қурби етмайди. Бир неча йиллардан буён қўл учиди кун кечираётган хонадонда бугунга келиб вазият ўзгарди.

## Ҳаётни ўзгартирган ташаббус

– «Аёллар дафтари»га киритилганимдан сўнг турмушимиз яхшиланди, – дейди Сайёра. – Аввалига, субсидия ҳисобидан ҳовлимизга иссиқхона кўриб беришди. Яқинда мутасаддиларнинг ёрдами билан «Агробанк»дан ўн миллион сўм имтиёзли кредит олдик. Шу маблағ эвазига айни пайтда 38 та курка парваришляямиз. Иссиқхонада полиз экинлари етиштироқдамиз. Шукр, рўзгорнинг кам-кўсти секин-аста тўлиб, ташвишларимиз аримоқда.

– Кейинги йилларда аёллар муаммосини ўрганиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиё-

сати даражасига кўтарилди, – дейди Федерация тасарруфидидаги Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш раҳбари ўринбосари Салоҳиддин Бўтаев. – Мисол учун, биргина Оҳангарон туманида олиб борилган ўрганишлар мобайнида 872 нафар хотин-қиз ижтимоий мавқеига кўра «Аёллар дафтари»га киритилди, Шундан 360 нафари ишсиз, ижтимоий ғимояга муҳтож. 121 нафар аёл боқувчисини йўқотган. Биринчи гуруҳ ногиронлиги бор хотин-қизлар саккиз нафарни ташкил этмоқда. Олиб борилган тадбирлар натижасида 106 нафар аёлнинг ижти-

моий ва моддий ҳаёти яхшиланиб, «Аёллар дафтари»дан чиқарилди. «Марказий кўрғон» МФЙ, Мустақиллик кўчаси 118-хонадон соҳибаси Шаҳринисо Норчаева ҳам дарди тўлиб-тошганлардан. Ичига чирик ёқса ёришмайди. Турмуш ўртоғидан ажраб, икки нафар ногирон фарзандининг тақдири ҳам ёлғиз ўзининг зиммасида қолган, бир дардига минг дард қўшилди. Оилага зарур ёрдам кўрсатилди. Ўзининг хоҳиш ва истаги билан «Агробанк»дан 36 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ш.Норчаева ушбу маблағга 2 минг дона бе-

дана сотиб олиб, фарзандлари билан парваришлямоқда.

Мухтасар айтганда, ҳар бир ҳудудга мутасаддилар бириктирилгани ва улар «худоғай», «маҳаллабай», «хонадонбай» юриб, синиқ кўнглилар ҳолидан хабар олаётгани натижасида кўп-кўп аёллар рўшнолик топмоқда, фаромуш юзларга табассум инмоқда. Аслида, мақсад ҳам шу. Демак, ташаббус ўзини оқламоқда.

Ғулмужон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

## ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

«Аёллар дафтари»га киритилган 30 нафар хотин-қиз касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилади

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Аёллар дафтари» орқали хотин-қизларнинг муаммоларига ечим излаш жараёни Сурхондарё вилоятида ҳам тизимли равишда давом этмоқда. Энг муҳими, ана шундай ҳаракатлар самарасида аёллар ҳаётига янги ҳаво киритмоқда.

Мана бир мисол, «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган, фарзандларини юртга садоқатли этиб вояга етказган ва етказётган 30 нафар ибратли, матонатли ёлғиз аёлни касаба уюшмалари тизимидаги «Термиз марвариди» ҳамда «Хўжаипок» сихатгоҳларида бепул дам олдириш режалаштирилди.

Шу пайтгача ҳаётдан, тақдир, турмушдан нолимаган Ангор туманидаги «Кўштегирмон» маҳалласида яшовчи Роҳат Алимардонова «Хўжаипок» сихатгоҳида, Бандихон туманининг «Гулбоғ» маҳалласида яшовчи Менгтош Ражабова «Термиз марвариди» сихатгоҳида саломатликларини тиклашни хоҳлашди. Қолган 28 нафар аёл ҳам ўз хоҳиш-истаклари билан юқорида тилга

олинган сихатгоҳларда шу йилнинг июль ойида саломатликларини тиклашди. – Бир неча кун аввал ишчи гуруҳ вакиллари «сиз маҳаллада «Аёллар дафтари»да тураркансиз, шу сабаб туманда янги иш бошлаган «Хўжаипок» сихатгоҳида саломатлигингизни бепул тиклайсиз» деб эшик қоқиб келишганида, севиниб кетдим, – дейди Олтинсой тумани «Янгиариқ» маҳалласида яшовчи Нурхон Соатова. – Очиғи, шу пайтгача санаторийда дам олмаганман. Бу эътибордан бошим осмонга етди. Миннатдорман.

Яна шундай миннатдорлик билдириб кетган аёллардан бирининг хатида шундай дейилган: «Кўмқўрғон туманидаги «Ачамайли» маҳалласида яшайман.

Исми-шарифим – Айсултан Маматқулова. Ишсиз, ёлғиз аёлман. Шу кунга қадар ҳеч қаердан ёрдам ва кўмак олмаганман. Ҳаттоки, имтиёз ва имкониятлар борлигини билмаганман. Касаба уюшмаларидан Азимжонман деб, бир йигит уйимга келди. Сизга «Термиз марвариди» сихатгоҳига йўлланма берилмаган бўлди, деди. Ниҳоятда хурсанд эдим. Қўлларимни дуога очдим ва яхшилар дунё тургунча турсин дедим».

Дарвоқе, «Аёллар дафтари»га киритилган 30 нафар ибратли ва матонатли ёлғиз аёлларимиз сихатгоҳларда нафақат даволанади, дам олади, балки вилоятимизнинг диққатга сазовор гўшалари ва муқаддас қадамжоларига саёҳатга чиқишади. Бу ҳам аёлларга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Қобил БОБОЛОВ,

Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари



## Муаммо ечимига йўл

дларимнинг бири ногирон. Остона ошиб, кўчага иш излаб чиқишининг иложи йўқ. Аммо тикиш-бичиш қўлимдан келади. Давлатимиз ғамхўрлиги туфайли қийинчиликларимиз ортада қоладиган бўляпти. Менга касаба уюшмалари томонидан замонавий тикув машинаси берилди. Энди ҳам касал боламга қараш, ҳам пул ишлаш имкониятим пайдо бўлди. Меҳнат қилсам, қийинчиликлар ортада қолади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар орасида кредит эвазига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш





**САВОЛ БЕРИНГ-  
ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

**Бошланғич ташкилотга  
СТИР керакми?**

**САВОЛ:** Ташкилотимизда касабга уюшма кўмитасини (юримдик шахс мақомига эга бўлмаган) ташкил қилганимизга 6 ой бўлди. Фаолиятимизни тўлиқ бошлаш учун банкда махсус ҳисобрақамимизни очмоқчи эдик. Аммо махсус ҳисобрақамимизни очиб беринг десак, банкдагилар СТИР беринг дейишмоқда. СТИР олиш учун давлат солиқ кўмитасига борсак, улар Сиз юримдик шахс эмассиз, сизга СТИР очилмайди дейишмоқда. Бошланғич касабга уюшма кўмитасига мустақил ишлаш учун банкда махсус ҳисобрақам очиш учун нима қилишимиз керак?

**Эргаш АБДУЛЛАЕВ,**  
Нефтьгаз тармоғига қарашли бошланғич  
касбага уюшма кўмитаси раиси

**СТИРсиз ҳам ҳисобрақам  
очиш мумкин**

**ЖАВОБ:** Ушбу муаммонинг ечимини «Касабга уюшмалари тўғрисида»ги қонундан топиш мумкин. Мазкур қонуннинг 24-моддасига асосан, юримдик шахс мақомига эга бўлмаган касабга уюшманинг бўлиниши, бошланғич касабга уюшма ташкилоти тегишли касабга уюшмаси ёки унинг бўлиниши ёхуд уларнинг ариза-сига кўра иш берувчи томонидан ўзига хизмат кўрсатувчи банкда очилмаган махсус банк ҳисобварағига эга бўлишга, мазкур ҳисобварақда турган пул маблағларини эркин тасарруф этишга ҳақли деб белгиланган.

Демак, сиз махсус ҳисобрақам очиш учун ариза билан тармоқ ёки худудий касабга уюшмалари бирлашмасига ёки корхона иш берувчиси томонидан ўзига хизмат қиладиган банкка мурожаат этишингиз мумкин.

**Гузала РЗАЕВА,**  
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси  
Юридик бўлими мудири ўринбосари



**Тошкент  
вилояти** | **Пресс-тур**

**Жаҳон  
андозаларидаги  
сифат**



**«Ўзстандарт» агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий филиали масъуллари ҳамкорлигида ОАВ ходимлари учун Оқангарон шаҳридаги «Trend tex» болалар ва катталар учун кийим-кечак ишлаб чиқариш корхонасига пресс-тур уюштирилди.**

Айни пайтда 105 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган ушбу корхона 2018 йили ташкил этилган. Бу ерда маҳсулотлар фақат экспорт учун ишлаб чиқарилади. Корхона ISO 9001 сифат сертификатига эга. Бу уларга ишлаб чиқарилган кийим-кечакларнинг Россия ва Беларусь бозорларига кириб боришига имконият бермоқда. Масалан, Россиянинг «Zolla», «ТВОЕ», «Winkiki», «Oodji», «Lotto» каби, Беларуснинг эса «ESL» фирмалари ушбу корхонага мунтазам буюртма бериб, ҳамкорликда ишламоқда.

ректорининг ўринбосари Дина Орлова. – Келгусида Европа бозорига ҳам маҳсулот олиб кириш имконини берувчи «Oukotex» сифат сертификатини қўлга киритишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун «Ўзстандарт» агентлигининг Тошкент вилояти филиали ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Келгусида режаларимиз муваффақиятли амалга оширилган бўлса, корхонамизда янги иш ўринларини ташкил этиб, ходимларнинг маошини ҳам оширишга эришимиз мумкин.

**Зебо НАМОЗОВА,**  
«ISHONCH»

**Наманган  
вилояти**

**«DOKTOR A»да тиббий хизмат кўрсатилади**

Наманган вилоятининг бир қанча туманларида касабга уюшмалари маблағлари эвазига кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлади ва янги иш ўринлари барпо этилиши ҳисобига жойларда хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Касабга уюшмалари кўмағида Чортоқ туманида очилган янги хусусий шифохона улардан биридир.



Туманнинг «Ора ариқ» маҳалласида қад ростлаган ушбу «DOKTOR A» хусусий шифохонаси замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминланган. Тадбиркор Абдуғанишер Каримовга тегишли тиббиёт муассасаси йигирма ўринга мўлжалланган бўлиб, асосан стационар шароитда тиш ва аёллар касалликларини даволашга ихтисослаштирилган.



– Даволанувчиларга қулайлик яратиш мақсадида шифохонанинг ўзида дориҳона фаолиятини ҳам йўлга қўйганмиз, – дейди тадбиркор А.Каримов. – Умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик ушбу лойиҳанинг ишга туширилишида касабга уюшмалари менга 500 миллион сўм миқдорда маблағ ажратди. Айни пайтда шифохонада 20 та иш ўрни яратилган.

**Орзуғул РУСТАМОВА,**  
«ISHONCH»

**Қорақалпоғистон  
Республикаси**

**Бор бўл, оқибат!**

**Насибанинг  
қувончли куни**

**Хўжайли туманида тадбиркорларнинг ҳиммати туфайли тўрт оила уйли бўлди**

Яқинда бир хушxabар эшитдик: Хўжайли туманида тўртта оилга бепул уй берилибди. Бу бинолар тадбиркорлар Мансур Сапарбаев ва Неъмат Тожиев ташаббуси билан барпо этилибди. Учасини турар жойга муҳтожларга уларнинг ўзлари топширишибди, биттасининг калитини эса «Кимга бериш ўзингизга ҳавола», дея туман раҳбари Женис Эрмашевнинг қўлига тутқазишибди.



банд эди. Бир маҳал қўл телефони устима-уст жиринглай бошлади. Гўшакка қўлоқ тутган эди, «Биз туман ҳокимлигинданмиз. Ҳозир сизга машина жўнатамиз, кейин бир жойга уй кўрагани берамиз», деган таклиф эшитилди.

Қолгани худди айтилганидек бўлди. Уни янги қад ростлаган бинога бошлаб бориб, хоналарини бирма-бир кўрсатишди. Пировадда «Бу иморат энди сизники бўлади!» дейишди. Тўхфа қилинган уй калитини ҳокимнинг шахсан ўзи топширди.

– Бу менинг ҳаётимдаги ҳеч қачон унутилмас энг қувончли воқеалардан бири бўлди, – дейди Насиба Нажимова. – Чунки 2007 йилдан буён ушбу масалада ҳокимликка ҳарча марта борган бўлсам, ҳар сафар мени туман раҳбарларининг ёрдамчилари ёки оддий ходимлар қабул қилишган. Устига-устак, барчаси «Сиз каби талабгорлар анча, қурилатган турар жойлар эса кам. Билмадик, қачон навбатингиз келаркин», деб елка қисидан нарига ўтишмаган.

Ҳоким Женис Ермашов мен билан икки бор юзма-юз суҳбатлашди. У кишига қандай яшаётганимни, болаларимнинг қўнглини ўқитмай вояга етказиш ва ўқитиш учун ўзимни утга ҳам, чўққа ҳам урганимни сўзлаб бердим. Ҳатто, қишлоққа-қишлоқ кезиб, эшак аравага юкланган эски кийим-кечакларни сотиш билан шуғулланишга мажбур бўлганимни ҳам яширмадим.

Етказганига минг қатла шуқур, энди бошпанамиз бор. Ҳозир унда яйраб яшаймиз. Бир мактабни, иккинчисини коллежини битирган қизим ва ўғлим бундан руҳланиб, эндиликда олий ўқув юртига кириб ўқишни мўлжаллашяпти. Худо хоҳласа, уларнинг ниятлари ҳам изобат топади, деган умиддаман.

Мен ахволи ночор оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётгани учун давлатимиз раҳбарларига ва меҳр-саховатли ҳамюртларимга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

**Есимхон ҚАНОАТОВ,**  
«ISHONCH»

Бизни ҳоким ўша уйни кимга муносиб кўргани қизиқтирди. Шу боис, у киши билан суҳбатлашишга аҳд қилдик.

– Менга бундай танлов имконияти берилганда, янги уйни кимга тақдим этишни ўйлаб, кўп бош қотирдим, – деди Женис Эрмашев очигина кўчиб. – Чунки худудимизда уй-жойга муҳтож оилалар кўп. Шу билан бир қаторда, гоҳ-гоҳида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган ёрдамлардан қаноатланмай, ношуқурлик қиладиган, «Мени ҳукумат боқини керак!» қабилда фикрлайдиган кишилар ҳам учраб туради. Мана, бир мисол. Бундан сал олдин Ўзбекистонга таниқли бўлган мен билан учрашиб, Хўжайлида яшовчилардан бири бепул уй-жой олишида ёрдам сураб, мурожаат қилганини айтди.

Мен масъул ходимларни масалани жойида ўрганиш учун жўнатдим. Маълум бўлишича, шикоят қилган фуқаро, ҳақиқатан ҳам уйсиз бўлиб, аввал ҳокимликка ҳам келган ва «Темир дафтара»га киририлган экан. Давлатимиз томонидан кам таъминланганларга кўрсатилаётган эътибор доирасида имконини топиб, уни бошпанали

қилдик. Кўп ўтмай, у биздан ўзини иш билан таъминлашимизда кўмак сўради. Суриштириб билсак, бир корхонада қорувлик ўрни бўш экан. Уша вазифада ишлаши мумкинлигини айтгандик, балого қолдик.

– Нима, менга маоши атиги 900 минг сўмлик ишни раво қўриб, устимдан қуляпсизларми, – деди жаҳли чиқиб. – Ахир, мен уйимда нон пишириб сотиб, ойига икки ярим миллион сўм топаман-ку!

Ўзи билиб-билмай айтиб юборган сўзларидан англадимки, ҳукуматимиз кўрсатаятган ғамхўрлик ва бераётган имтиёزلардан бемалол фойдаланаётган бу одам боқимандага айлана бошлабди. Ана шу боис тадбиркорлар қурган уйни Насиба Нажимовага беришдан олдин унинг оилавий ахволини обдан ўргандик. Аниқлашимизча, бу бева аёл хусусий турар жойи йўқлиги туфайли 14 йилдан буён икки фарзанди билан гоҳ ота-онасиникида, гоҳ ижарага олинган хонадонларда яшаб келаётган экан. Шунга кўра, янги уйни унга совға қилишни лозим топдик...

Дарвоқе, ўша куни Насиба Нажимова рўзгор юмушлари билан

**Навоий  
вилояти** | **Саёҳат**



**Юрган – дарё...**

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Нурота тумани кенгаши таълим муассасалари ходимларининг кўҳна ва навқирон Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларига саёҳатини уюштирди.

Тарихий обидалар, истиклол йилларида қурилган кенг қўламли бунёдкорликлар саёҳатчиларда олам-олам таассурот қолдирди. То ҳануз кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётган обидалар, муқаддас қадамжолар зиёрати тарбиячи-устозлар қалбида акс садо бериб, бетакор меросдан фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирди.

**Озода САИДҚУЛОВА,**  
Нурота тумани халқ таълими бўлими мутахассиси

**Сирдарё  
вилояти**



**Ушалган орзу**

Сирдарё вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Оқолтин тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан туманда «Аёллар дафтари»да қайд этилган ижтимоий кўмакка муҳтож 20 нафар хотин-қизнинг Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди.

– Қадимий шаҳарларимизни кўриш кўп йиллардан бери армон бўлиб келаётган эди. Орзуим ушалишига сабабчи бўлган барча ташкилотчиларга раҳмат айтаман, – дейди тадбир иштирокчиси Саодат Қурбонова. – Таассуротларимнинг чеки йўқ.

**Муъссар ПАРДАЕВА**  
Оқолтин тумани

**Фарғона  
вилояти**



**Зиё маскани иш  
бошлади**

Фурқат тумани марказида замонавий қиёфадаги «Зиё маскани» ишга тушди. 300 миллион сўм маблағ эвазига қуриб битказилган мазкур маскан икки минг турдаги 10 минг дона китоб фондига эга.

**Энди улар  
«бекорчи» эмас**

Данғара туманида яшовчи 64 нафар ишсиз, хусусан, «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга тикув машиналари, қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланишда зарур бўладиган мотокультиватор ҳамда турли асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари тарқатилди.

Бу эзгу ташаббуслар, энг аввало, ёшлар даромадини оширишга, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладди.



**Хабарлар**



**Машинали ўқувчи**

Республикамизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёш китобхон» танловининг 10-14 ёш тоифаси бўйича Ўзбекистон туманидаги 50-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муҳаммадфозил Исмоилов ғолиб бўлиб, «Spark» автомобили соҳибига айланди.

– Аввало, танловда ғолиб бўлишимда онамнинг ҳиссаси катта. Онамнинг кўмағи билан танловга тайёрландим, – дейди М.Исмоилов. – Ғолиб бўлиш учун астойдил ўқидим. Натижада танлов ғолибига айланиб, «Spark» автомобили билан тақдирландим.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**  
«ISHONCH»















# Халқаро турнир Полвонлар Термизда беллашди

Термиз шаҳридаги «Алломиш» ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини учун кураш бўйича Ал-Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XV халқаро турнир бўлиб ўтди.

Халқаро турнирда Бош вазир ўринбосари, туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳақимов, Халқаро кураш ассоциацияси президенти Хайдар Фармон ва Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов сўзга чиқиди. Мусобақанинг аёллар ўртасидаги беллашувида 1-ўрин 48 кг. вазнда ўзбекистонлик Моҳинур Мўминовага, 57 кг. вазнда қозоғистонлик Бахит Қуссақбаевага, 63 кг. вазнда ўзбекистонлик Маликахон Қаҳқоровога, 70 кг. вазнда россиялик Владена

Гусевага, 70 кг.дан юқори вазнда ўзбекистонлик Покизахон Камолитдиновага натижа берди. Эраклар ўртасидаги беллашулар ҳам ниҳоятда шиддатли кечди. 81 кг. вазнда ўзбекистонлик Умар Бозоров, 90 кг. вазнда россиялик Арам Григорян ғолибликни қўлга киритишди. Эраклар ўртасида 60 кг., 66 кг., 73 кг. вазндаги полвонлар беллашуви ҳам қизгин кечди. Мусобақаларнинг 1-ўрин ғолиблирига 3 минг, 2-ўрин эгаларига 2 минг, 3-ўринни

эгаллаган полвонларнинг ҳар бирига минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотлари топширилди. Муздақ вазн тоифасидаги полвонлар баҳси қизигандан-қизиди. Ўзбекистонлик машҳур полвон Муҳсин Хисомиддиновага тожикистонлик Дадахон Курбоналиев рақиб бўлди. Ҳамма ҳаяжонда. Полвонларнинг ҳар бири хатти-ҳаракатини кузатиб турган томошабинлар гоҳ Муҳсинни, гоҳ Дадахонни олқишлашар, «Бўш келма, Муҳсин», «Чилинга келди, Дадахон» деган ҳайқирдиқлар анграрди. Натижада... Муҳсин полвон уйига Президентимизнинг 10 минг АҚШ доллари соврини билан қайтди.

Икки кун давом этган йирик спорт байрамининг очилиш ва ёпилиш тантаналарида концерт дастури намойиш этилди.



## Қорақалпоғистон Республикаси

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида 40 га яқин терракота ҳайкалчалари сақланади. Илмий тилда «терракота» деб номланувчи (лойдан ишланиб, ҳумдонда ширилган, сирланмаган ва ранг берилмаган майда ҳайкалчалар. Улар қиздирилгандан сўнг ўзига хос тус-сарғиш, қизғиш-жигарранг, қора ва сиртга эга) ушбу майда ҳайкалчалар милоддан аввалги VI-I асрларга тегишли бўлиб, уларга одамлар, от ва қўшар тасвири туширилган.

# Терракота ҳайкалчалари сири нимада?



Шу кунга қадар бу каби ҳайкалчаларнинг фақат синик қолдиқлари топилган, бутун ҳолида сақлангани учрамаган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу қадимги даврдаги диний маросимларга боғлиқ. Яъни шу даврларда одамлар янги йилни кутти олиш пайтида терракота ҳайкалчаларини ясаб, эски ҳайкалчаларни синдириб, ўтган йилдаги дардлар эски йилда қолиб кетсин, деб ирим қилган.

ворларига ишланган расм ва ҳайкаллар милодий I-III асрларга тааллуқли деб ҳисобланади. Ҳайкаллар асосан лойдан, қисман ганчдан тайёрланган. Улардан катта ҳайкаллар, барельефлар (текис деворга бўрттириб ишланган ҳайкал-тасвирилар) курилиш архитектураси билан уйғунлаштирилган ва деворий расмлар билан ҳамма ҳаёт ва ҳайкалчаларнинг фрагментлари қайд қилинган. Тупроққалъа саройидаги ҳайкалларнинг рамзий жойлаштирилишига назар ташласак, «Шоҳлар хонаси»даги ҳайкаллар гуруҳида аждодлар илоҳийлаштирилган бўлиши мумкин, «Ғалаба хонаси»даги горельефларда шохон-шавкати ифодаланган, «Ҳарбийлар хонаси»да шоҳлар улкан, жангчилар кичик ҳажмда акс эттирилган ва бошқа рамзий аталган сарой хоналари ҳайкаллари бўртма тасвирилар ҳамда рангтасвир билан безатилган. Улардан «Ҳарбийлар хонаси»нинг тоқчаларида қора соқолли, қора сочили, қора танали жангчиларнинг ҳайкаллари қўйилган. С.П.Толстовнинг фикрича, ушбу «жангчилар» дравид тилида гаплашувчи Хиндистонда яшовчи қавм вакилларида ёлланма армия бўлиши мумкин. Бугунги кунда бу тўғрида баъзи мутахассислар саройда ёнғин бўлиши оқибатида жангчилар қиёфаси қора рангга айланган деган фикрларни билдиришмоқда. Асарият ҳайкаллар ёдгорлигининг «Шоҳлар хонаси»дан топилган. Бу катта зал саройнинг шимол шарқда жойлашган бўлиб, ҳажми 20х20 метрга тенг. Деворлардаги тоқчалар шаклдор гиштдан қурилган юпқа панжара деворчалар тоқчаларни бир-биридан ажратиб туради. Ҳар бир тоқчада бир гуруҳ ҳайкаллар


## Тарих ажойиботлари



жойлаштирилган. Бу тоқчаларнинг иккитасида одам гавдасидан катта ҳажмдаги эркак ҳайкаллар ўрнаштирилган бўлиб, уларнинг атрофида 3-5 тадан эркак, аёл ва болалар ҳайкаллари аниқланган. Тадқиқотчилар фикрларига кўра, улардан ўтирган ҳолатдаги ҳайкаллар шоҳларники, атрофидаги ҳайкаллар эса оила аъзолари ва ҳомий маъбудалар ҳайкаллари ҳисобланади. Тоқчаларнинг бириндан топилган кўлида қизил олма ушлаган аёл ҳайкалчаси бунинг ёрқин далилидир. Бу ҳайкал ҳосилдорлик худоси Анахита ёки Мина учун характерли тиним ҳисобланади.

Булардан ташқари, «Қизил бош», «Вазамир қалъининг боши» деб номланувчи ҳайкаллар қадимги хоразмликлар қиёфасини акс эттирувчи манбалардан бири ҳисобланади. Буртуққалъа яқинидан милоддан аввалги II-I асрларга тааллуқли «отга минаётган чавандоз» ҳайкалчаси топилган. От ҳайкалчасининг тўрттала оёқчаси қавариқ нарсга миндирилиб ишланган. Отнинг бўйни, ёли, қўйруғи, устидаги эгар-жабдуқлари, икки томони тўла хуржун ўзига ярашиб турибди. Ҳайкалчадаги чавандознинг бир оёғи баланд супага тиралган бўлса, иккинчи оёғи от эгари устига кўтарилган. Афсуски, отнинг боши ва одамнинг белидан юқори қисми сини йўқолган. Ҳайкалча қизил лойдан, обдан пишириб ясалган, очик жигар ранг ялтироқ рангга бўялган.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги тарихий қалъаларни илк бор тадқиқ қилган С.П.Толстов раҳбарлигидаги археологик экспедициялар воҳадан 400 га яқин турли ҳайкалчалар топган, – дейди Нукус давлат педагогика институтини ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Бахит Турғанов. – Қадимги Хоразмда дастлабки ҳайкалтарошлик намуналари милоддан аввалги III минг йиллик охири, II минг йиллик бошларига оид ҳисобланса ҳам ҳанузгача ушбу сәнъат асарлари батафсил ўрганилмаган. Демак, тарихнинг сирли саҳифалари ҳанон тарихчиларни кутиб турибди. Балки бу ҳайкаллар бизга шонли тарих ва тамаддулар ҳақида ҳикоя қилар...



### Ана ҳолос!

Ўтган йили футбол бўйича Европа чемпионлари лигасида «Бавария» (Германия) жамоаси «Барселона» (Испания) клубини 8:2 ҳисобида мағлуб этгани кўпчиликнинг ёдида. Ўша баҳсдан кейин <https://championat.asia/uz/saitida> шундай сарлавҳали мақола эълон қилинди:

## «Роналдумисан пенальдумисан...» ёхуд спорт сайтига бир назар

«Бавария» чемпионлари лигасида «Барселона»ни зўрлади. Журналистика мезонлари у ёқда турсин, оддий ахлоқ меъёрларига ҳам зид бўлган сарлавҳа сайт фойдаланувчиларида ҳақли эътирозлар туғдириди. Мухлислар сайтни қаттиқ танқид қилдилар. Кўп ўтмай <https://championat.asia/uz/mutasaddilari> тарзида ўзгаришди. Мана бу бошқа гап!

Орадан маълум вақт ўтгач, Италия А сериясининг жорий йилги мавсумида «Женоа» ва «Ювентус» жамоалари ўзаро рўбарў келди. Учрашувнинг иккинчи бўлимида майдонга тушган юртдошимиз Элдор Шомуродов яқка курашлардан бирида «Ювентус»нинг энг ёрқин «юлдузи»дан тўпни олиб қўйди. Ҳар қандай «чарм тўп» устаси дуч келадиган оддий ҳол бу. Аммо ўзбекистонлик шинавандалар учун Элдор ва Роналду тўқнашуви билан боғлиқ буюғи эпизод фавқулодда ҳодиса сифатида кутиб олинди ва «championat.asia/uz»дагилар ўша йўлнинг матнли шарҳида қуйидаги «ажойиб» «фикр»ларни «зарҳал» ҳарфлар билан битдилар:

«83. Роналдумисан пенальдумисан Элдорга фарқи йўқ. Бордида тўпни олиб қўяди. Чунки у ўзбекда, қизилқон-да».

Фикри охиригача, бу фаройиб жумлаларда имло қоидаларига қай даражада риоя қилинганидан ҳам кўра, ундаги «эҳтирос», «жўшқинлик» кишига қанчалар «эстетик завқ» бағишлашини таҳлил этиш қизиқроқ бўлса керак.

Худди шу матнли шарҳга бир муҳлис шундай изох ёзибди: «Футболимиздан ҳам кўра спорт журналистимизнинг аҳволи оғир экан».

Бу – ҳам футбол муҳлиснинг, ҳам оддийгина фаросатли кишининг ҳаққоний баҳоси! Фаросат танқислиги «синдром»ини сайтдаги бошқа қатор хабарларда ҳам кўриш мумкин. Чунончи, «Van Persi – Maradona haqida: «U mening oyog'imni o'rdil!»

Хўш, бу гап ўқувчига нима беради?!

Эки мана бу хато ва мантиқсиз маълумотни қандай изохлаш мумкин: «Барселона» форварди Лео Месси фаолиятини ПСЖда давом эттирмакда».

Аргентиналик машҳур футболчи бошқа жамоага ўтгани йўқ-ку! «championat.asia/uz»дагилар бу маълумотни қардан олишган – ҳайронмиз...

Футболда ва умуман спорт турларида ҳам спортчиларни мураббий алмаштиради. Спорт хабарларига иxtисослашган шу сайтда, Шомуродов иштирокидаги бошқа бир ўйиннинг шарҳида келтирилган манави чучмал гапга ишонсак, бу ишни футболчи ҳам бажариши мумкин экан:

«68. Ўзгариш. Ниҳоят, Элдор Шомуродов майдонга тушмоқда, у Пандевни алиштириди»

Камина ўзбек тилининг барча имкониятларидан тўла хабардорман деган даъводан йироқман. Аммо ишончим комилки, она тилимизда «алиштириди» деган сўз йўқ! Умуман, <https://championat.asia/uz/uzni> мунтазам қузатган киши ундаги мақолаларни, шарҳларни ўзбекзабон одамлар ёзганимиздан, дея боши қотиши табиий. Жумладан, «Бретуэйт ва Холанддан дубль», «ПСЖдан қийин ғалаба», «Махрездан хет-трик», «Норжондан дубль» каби сарлавҳаларни ўқиганида. Аслида «Холанднинг дубли», «ПСЖнинг қийин ғалабаси», «Махрезнинг хет-триги», «Норжоннинг дубли» тарзида ёзиш лозим-ку ахир.

Албатта, юқорида айтиб ўтилган фикрларимиз билан бу сайтни ёмонлиқ қилиш ниятидан йироқмиз. Мақсадимиз – минглаб, миллионлаб ўзбекистонликларга мамлакатимиз ва жаҳон футболига тааллуқли энг сўнгги хабарларни тезкор равишда етказиб бериш ва шунинг билан одамнинг умидини қўлга олиш, чучмалликлардан холи бўлиш, холос. Ўйлашимизки, <https://championat.asia/uz> мутасаддилари ўз касбларига профессионал ёндашиб, ҳар бир жумла ва сўзни қўлашда маъсулият ҳамда эътибор билан ёндашишса, ўз ўқувчилари олдида хурматлари янада ошган бўларди.

Рустам ИБРОХИМОВ, «ISHONCH»

Эълонлар

Учтепа миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи томонидан 2008 йил Иймонова Нозимхон Мухаммаднова номига «Тикув ишлаб чиқариш» йўналиши бўйича берилган К №1078855-рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

Янгийўл туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йилда Нормирзаева Зилла Норкузиевна номига берилган UNP1586514-рақамли шаходатнома йўқолгани маълум қилинади.

Тузатиш «Ishonch» газетасининг 2021 йил 10 апрелдаги №48-49 сониде «Қишлоқ қурилиш инвент» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги «Шартнома (лотлар) рўйхатида»даги № 281 лот –

281 | Зангиота | Каттачинор | 20 | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 10 май 15:00

техник сабабларга кўра, қолиб кетгани сабабли мазкур эълоннинг давоми сифатида ўқилсин.

## Тошкент вилояти

Касбимиз шундай: фавқулодда ҳолатларда инсонларга кўмак бериш. Бунинг ўзига хос мумраккаб тарафи, айни вақтда шарафли жиҳати ҳам бор.

Мумраккаблиги шундаки, қоронғи кечада кимдир тўсатдан лифта қамалиб қолди. Хўш, бундай вазиятда ким нима қилади? Биров яқинларини кўмакка чақиради, кимдир эса соҳа ходимла-


# Биз ҳаммаша ёнингиздамиз!

рини... Энди савол туғилади: қай бир танлов тўғри? Янада тушунарли бўлиши учун яқинда бўлган бир воқеани сўзлаб берай: Қибрай тумани, Солар шаҳарчаси, «Бобур» маҳалласида янги қурилган кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи Юсуф Бўронов эрта-лаб ишга кетаётган, лифта қамалиб

қолди. Табиийки, саросимада у кўни-кўшинларни ёрдамга чақиради. Аммо қарийб бир соатлик уриниш иш бермайди. Юсуф ака лифта ўтираверди. Шунда кимдир «ФВБ»га мурожаат қилади. Мурожаатга жавобан тезда воқеа жойига етиб борган Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси, «Тошкент ИЭС» 45-ёнгин кўтқарув қисми ходимлари

ёрдами туғайли Ю.Бўронов тутқунликдан озод этилди. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, ҳар қандай вазиятда – фавқулодда ҳолатларда биз сизга кўмакка тайёрмиз. Бу бизнинг бурчимиз, касбимиз тақозоси.

Сирожиiddин БАЙТЕРКОВ, Тошкент вилояти ФВБ «Тошкент ИЭС» АЖ ОХТТЭБ инспектори



МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОВРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМКУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОВО (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлиб),
- Меҳриiddин ШУКУРОВ (Маъсул котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
- Хўқў ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
- Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
- Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
- Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Қудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
- Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
- Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
- Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
- Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-32
- Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
- Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
- Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
- Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
- Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
- Фаргона вилояти – (+998-99) 889-90-24
- Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
- Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиж: С. Шодиева

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужаллилов

Босишга топшириш вақти – 00:20

Топширилди – 00:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма Г – 406.

30379 нусxada босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130